Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намозга таҳорат олар эдилар”

Амр ибн Омир Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намозга таҳорат олар эдилар”, деди. “Унда сиз нима қилар эдингиз?”, дея Анасдан сўрадим. Анас разияллоҳу анҳу: “Бироратамизнинг модомики таҳорати бузилмас экан, ўша таҳорат (бир неча намозни ўқишга) кифоя қиларди» дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратлари бузилмаса-да ажру савоб жамлаш мақсадида ҳар бир фарз намоз учун таҳорат олар эдилар. Мадомики таҳоратда экан хоҳлаганча намоз ўқиш жоиз.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65080